БОҚИЖОНОВА Кумушой Тоҳир қизи,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси

АБУ НАСР ФОРОБИЙНИНГ “КИТОБ АЛ-ҲУРУФ” АСАРИ ҚЎЛЁЗМАСИНИНГ ТАДҚИҚИ ВА МАТНШУНОСЛИК ТАҲЛИЛИ

ИССЛЕДОВАНИЕ РУКОПИСИ ТРУДА АБУ НАСРА ФОРОБИЙА «КИТАБ АЛ-ХУРУФ» И ТЕКСТОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ

STUDY OF THE MANUSCRIPT OF ABU NASR AL FARABI’S «KITĀB ALḤURŪF» AND TEXTUAL (TEXTOLOGICAL) ANALYSIS

Аннотация. *Ушбу мақолада буюк мутафаккир Абу Наср Форобийнинг тилшунослик ва фалсафа туташувида яратилган “Китоб ал-ҳуруф” асарининг Теҳрон университети Марказий кутубхонаси Мишкот тўпламида сақланаётган MS 239 рақамли ягона қўлёзма нусхаси тадқиқ этилади. Тадқиқот жараёнида қўлёзманинг кодикологик ва палеографик хусусиятлари, хусусан, қадимий насҳ хатининг ўзига хослиги ҳамда матндаги диакритик белгиларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, 1969 йилда Муҳсин Маҳди томонидан амалга оширилган нашр Мовароуннаҳр илмий ва мадраса таълими анъаналари нуқтаи назаридан танқидий баҳоланади. Мақолада асарнинг шикастланган қисмларини тиклашда Мовароуннаҳр мантиқ мактаби услубларидан фойдаланиш зарурати ҳамда терминологик базани маҳаллий илмий контекстда қайта талқин қилишнинг аҳамияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Абу Наср Форобий, Китоб ал-ҳуруф, Мишкот тўплами, MS 239 қўлёзмаси, Насҳ хати, Муҳсин Маҳди, Мовароуннаҳр мадраса таълими, ал-мавжуд, ал-маҳия, ал-жавҳар.*

Аннотация. *В статье исследуется единственная рукопись (MS 239) произведения великого мыслителя Абу Насра Фараби «Китаб ал-хуруф», хранящаяся в коллекции Мишкот Центральной библиотеки Тегеранского университета. В ходе исследования проанализированы кодикологические и палеографические особенности рукописи, в частности специфика древнего набха-скрипта и проблемы, связанные с отсутствием диакритических знаков в тексте. Кроме того, критически переосмыслена публикация, выполненная Мухсином Махди в 1969 году, с учетом традиций маравийских (Мавараннахрских) научных и мадраса учебных практик. В статье обосновывается необходимость применения методик логической школы Мавараннахра при реконструкции поврежденных частей текста и подчеркивается важность переинтерпретации терминологической базы в локальном научном контексте.*

Ключевые слова: *Абу Наср Фараби, Китаб ал-хуруф, коллекция Мишкот, рукопись MS 239, набха (насх) почерк, Мухсин Махди, мадраса традиции Мовароуннахра, al mawjūd, al mahiyya, al jawhar.*

Annotation. *This article examines the unique manuscript (MS 239) of the work Kitāb al-Ḥurūf by the great thinker Abu Nasr al-Farabi, preserved in the Mishkūt collection of the Central Library of the University of Tehran. The study analyzes the codicological and paleographic features of the manuscript, in particular the characteristics of the ancient naskh script and problems related to the absence of diacritical marks in the text. In addition, the 1969 edition prepared by Muhsin Mahdi is critically reassessed from the perspective of the scholarly and madrasa educational traditions of Mavarannahr (Mawarannahr). The article argues for the necessity of employing methods of the Mavarannahr logic school when reconstructing damaged sections of the text and highlights the importance of reinterpreting the terminological base within the local scholarly context.*

Keywords: *Abu Nasr al Farabi, Kitāb al Ḥurūf, Mishkūt collection, manuscript MS 239, naskh script, Muhsin Mahdi, Mavarannahr madrasa traditions, al mawjūd, al mahiyya, al jawhar.*

КИРИШ

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси мумтоз араб филологияси ва Шарқ фалсафасининг стратегик пойдевори бўлиб хизмат қилади. Унинг “Китоб ал-ҳуруф” (كتاب الحروف), яъни “Ҳарфлар китоби” деб номланувчи асари тил ва мантиқ ўртасидаги узвий боғлиқликни ўрганишда беқиёс аҳамиятга эга. Мазкур асар нафақат лингвистик категорияларни, балки фалсафий тушунчаларнинг тилдаги ифодаланиш қонуниятларини шакллантиришда ҳам марказий рол ўйнайди. Илмий муҳокамада қўлёзма манбага асосланган матншунослик тадқиқи реша вазифасини бажаради: “Форобийнинг тил фалсафаси манбалар билан ишлаш орқали аниқ талқин топади” [5:12].

Форобий ушбу асарида араб тилидаги ҳуруфлар, яъни юклама ва боғловчиларнинг мантиқий ҳамда фалсафий вазифаларини таҳлил қилар экан, араб тилининг ички имкониятлари орқали универсал фалсафий категорияларни ифодалаш йўлларини кўрсатиб берган. Бироқ, ушбу асарнинг мазмун-моҳиятини тўлиқ англаш ва илмий муомалага киритиш бевосита қўлёзма манбаларни чуқур матншунослик таҳлилидан ўтказишни талаб этади. Бу эса асарнинг мавжуд ягона қўлёзма нусхасини палеографик ва манбашунослик жиҳатдан қайта ўрганиш заруратини юзага келтиради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Абу Наср Форобийнинг илмий мероси мумтоз араб филологияси ва Шарқ фалсафасининг стратегик пойдевори бўлиб хизмат қилади. Унинг Китоб ал-ҳуруф номли, яъни Ҳарфлар китоби деб аталувчи асари тил ва мантиқнинг туташув нуқталарини белгилаб берувчи фундаментал манбадир. Олим Музаффар Хайруллаев таъкидлаганидек, Форобий қарашлари нафақат ислом олами, балки умумбашарий цивилизация ривожини таъминлаган муҳим омил ҳисобланади. Иброҳим Мадкур каби тадқиқотчилар эса мутафаккирнинг тил фалсафасига оид изланишларини мантиқий метод ва лингвистик татбиқнинг юксак намунаси сифатида баҳолайдилар.

Филологик категорияларнинг фалсафий моҳиятини очишда қўлёзма манбалар билан ишлаш ҳаётий заруратдир. Форобий араб тилидаги ҳуруфлар, яъни юклама ва боғловчиларнинг мантиқий вазифаларини таҳлил қилар экан, тилнинг ички имкониятлари орқали универсал онтологик тушунчаларни ифодалаш йўлларини кўрсатиб берган. Бироқ мазкур ғояларнинг асл моҳиятини англаш учун асарнинг ягона қўлёзма нусхасини матншунослик жиҳатдан қайта таҳлил қилиш талаб этилади. Бу эса мумтоз матншунослик ва палеография соҳасида янги методологик ёндашувларни қўллаш учун замин яратади.

Теҳрон университети MS 239 қўлёзмасининг кодикологик ва палеографик тавсифи. Китоб ал-ҳуруф асарининг дунёдаги ягона ва бирламчи манбаси Теҳрон университети Марказий кутубхонасининг Мишкот тўпламида MS 239 рақамли инвентар кодекси остида сақланмоқда. Ушбу қўлёзма мажмуа таркибида бўлиб, унинг кодикологик тавсифи қадимийлик ва ноёблик жиҳатидан юксак илмий қийматга эга. Қўлёзма матни қадимий насх хатида битилган бўлиб, унда диакритик белгиларнинг, яъни ҳарф ости ва усти нуқталарининг мавжуд эмаслиги лексик-семантик полисемия муаммосини келтириб чиқаради. MS 239 қўлёзмаси қадимий насх хатида ёзилган бўлиб, диакритик белгилар деярли мавжуд эмас; бу ҳолат матнни ўқишда ва терминларни аниклашда жиддий муаммоларни келтириб чиқаради [11:10]. Қўлёзма жисмоний ҳолатининг айрим варақларда (26–29) шикастланганлиги матний реконструкцияни мураккаблаштирмоқда.

Бундай палеографик ҳолатда бир хил график кўринишга эга бўлган сўзларни ўнлаб вариантларда ўқиш имконияти туғилади, бу эса матннинг асл мазмунини англашда жиддий тўсиқ бўлади. Мазкур илмий муаммони бартараф этишда Сибавейҳнинг Ал-Китаб ва Ибн Жиннининг Ал-Хасаис асарларида баён этилган классик лингвистик меъёрлар методологик ечим бўлиб хизмат қилади. Ушбу манбалардаги морфологик ва синтактик қоидалар қўлёзмадаги ноаниқликларни дешифрация қилишда ва Форобий тил фалсафасининг терминологик аниқлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

26–29-варақлардаги шикастланишлар ва матний яхлитликни тиклаш муаммолари. Қўлёзманинг жисмоний ҳолати, хусусан, йигирма олтинчи ва йигирма тўққизинчи варақлар оралиғидаги қисми алоҳида илмий эътиборни талаб қилади. Намлик ва вақт таъсирида юзага келган емирилишлар матннинг изчиллигига путур етказган бўлиб, айниқса йигирма саккизинчи варақдаги ҳолат илмий дефицитнинг энг юқори нуқтаси ҳисобланади. Бу саҳифада матннинг муҳим қисмлари ўчиб кетган ёки бутунлай йўқолган.

Матннинг йўқолган бўшлиқларини реконструкция қилишда нафақат тилшунослик қоидалари, балки Форобийнинг онтологияси ва Моваройуннаҳр логикаси методлари қўлланилиши лозим. Реконструкция жараёни филологик гипотеза ва мантиқий прогнозлашга таянган ҳолда амалга оширилиши керак: “матний интерполяция ва филологик ретроспекция тикланишда муҳим рол ўйнайди” [9:30].

ISSN 2181-9572

Матний яхлитликнинг бундай бузилиши муаллиф фалсафий аргументациясининг мантиқий детерминизмига путур етказади, бу эса филологик ретроспекция ва матний интерполяция заруратини туғдиради. Шикастланган қисмларни реконструкция қилиш учун нафақат тилшунослик, балки Форобийнинг онтологик тизимини мукаммал билиш талаб этилади. Ушбу бўшлиқларни тўлдиришда муаллифнинг фалсафий оқимини қайта тиклаш масъулияти матншунос зиммасига юксак филологик тайёргарлик ва мантиқий прогнозлаш вазифасини юклайди.

“Китоб ал-ҳуруф” асарининг дунёдаги ягона ва асосий манбаси Теҳрон университети Марказий кутубхонасининг Мишкот тўпламида MS 239 рақами остида сақланмоқда. Ушбу қўлёзманинг кодикологик тавсифи унинг нақадар қадимий ва ноёб эканлигини тасдиқлайди.

Қўлёзма матни қадимий насх хатида битилган бўлиб, унда араб ёзувининг эски услубига хос бўлган диакритик белгилар, яъни ҳарфларни бир-биридан ажратиб турувчи нуқталар деярли ишлатилмаган. Бу ҳолат матнни ўқиш ва унинг мазмунини тўғри англашда жиддий қийинчиликларни туғдиради. Нуқталарнинг йўқлиги сўзларнинг турлича талқин қилинишига ва натижада асл мазмуннинг ўзгаришига олиб келиши мумкин бўлган муҳим омил ҳисобланади.

Қўлёзманинг жисмоний ҳолати ҳам алоҳида илмий эътиборни талаб этади. Хусусан, матннинг 26, 27, 28 ва 29-варақларида кучли емирилишлар ва механик шикастланишлар кузатилади. Манбанинг 28-варағида акс этган ҳолат шуни кўрсатадики, матннинг маълум қисмлари ўчиб кетган ёки бутунлай йўқолган. Бундай шикастланишлар Форобий илгари сурган фалсафий ғояларнинг изчиллигини тиклашда ва муаллиф муддаосини аниқлашда асосий тўсиқ бўлиб хизмат қилмоқда. Шу сабабли, ушбу саҳифалардаги бўшлиқларни тўлдириш учун юксак филологик тайёргарлик ва мантиқий тахмин, яъни интерполяция усулларидан фойдаланиш тақозо этилади. Матннинг палеографик ҳолати таҳлили унинг мавжуд нашрлардаги талқинини қайта кўриб чиқишни талаб этади.

Муҳсин Маҳди нашрининг танқидий таҳлили ва Моваройуннаҳр анъаналари

1969 йилда Байрутдаги “Дар ал-Машриқ” нашриётида Муҳсин Маҳди таҳрири остида чоп этилган “Китоб ал-ҳуруф” матни узоқ вақт давомида ушбу асар бўйича асосий манба бўлиб келган. Бироқ, замонавий матншунослик тадқиқотлари Муҳсин Маҳди нашрига нисбатан бир қатор жиддий танқидий мулоҳазаларни илгари суради. Диакритик нуқталарнинг йўқлиги ва анча қадимий насх услуби муносабати билан бир хил график шаклда берилган сўзларни турлича ўқиш имконияти пайдо бўлади. Бу муаммони ҳал қилишда классик араб лингвистикаси ва Моваройуннаҳр мантиқ мактаби воситалари биргаликда қўлланилиши керак. Муҳсин Маҳдийнинг 1969 йилги нашри истеъдодли илмий ҳисса бўлса-да, унинг талқини Форобий терминологиясини умумий араб филологияси чегарасида қолдиргани танқид қилинмоқда: “1969 йилги нашр Форобий терминологиясини умумий араб филологияси доирасида чеклади” [3:45].

Энг асосий камчиликлардан бири шундаки, Муҳсин Маҳди Форобий терминологиясини талқин қилишда Моваройуннаҳр тилшунослик ва мадраса таълими анъаналарини эътибордан четда қолдирган. Масалан, асардаги марказий тушунчалар бўлган “ал-мавжуд”, яъни борлиқ, “ал-маҳия”, яъни моҳият ҳамда “ал-жавҳар”, яъни субстанция терминларини изоҳлашда фақатгина умумий араб филологияси билан чекланилган. Ваҳоланки, ушбу терминлар Моваройуннаҳр илмий муҳитида шаклланган ўзига хос мантиқий-лингвистик мактаб таъсирида ривожланган.

Синтактик асослар нуқтаи назаридан қараганда, қўлёзманинг шикастланган 26–29-варақларини тиклашда Муҳсин Маҳди қўллаган услублар етарли бўлмай қолган. Бу ўринда Моваройуннаҳр мадраса таълими дастурининг ажралмас қисми бўлган Тафтазоний ёки Журжоний каби алломаларнинг асарларида баён этилган грамматик қоидалар, хусусан, “ин” ҳамда “лав” каби шарт ва инкор юкламаларининг синтактик қўлланилиши матнни тиклашда ягона методологик калит бўлиб хизмат қилади. Мазкур варақлардаги матннинг деярли ўқилмайдиган даражада

эканлиги Мовароуннаҳр илмий мактабига хос морфологик ва мантиқий пойдеворни нафақат танлов, балки илмий заруратга айлантиради. Ушбу ёндашувсиз Форобий синтаксисидаги ҳуруфларнинг мантиқий функциясини асл ҳолида тиклаш имконсиздир.

1969 йилда Байрутдаги Дар ал-Машриқ нашриётида профессор Муҳсин Маҳдий таҳрири остида чоп этилган Китоб ал-ҳуруф матни узоқ вақт давомида ягона манба бўлиб келди. Гарвард мактаби вакили сифатида Муҳсин Маҳдий Форобий меросини кўпроқ грек парадигмаси асосида талқин қилган бўлса-да, унинг ишида Мовароуннаҳр мадраса анъанасидаги илми мезон, яъни мантиқ ва илми наҳв, яъни синтаксис туташуви эътибордан четда қолган.

Масалан, ал-мавжуд яъни борлиқ, ал-маҳия яъни моҳият ҳамда ал-жавҳар яъни субстанция каби марказий терминларнинг талқинида Шарҳ ал-Қутбий ёки Ҳошияи Мир Зоҳид каби маҳаллий мадраса дарсликларидаги илмий қарашлар инобатга олинмаган. Профессор Муҳсин Маҳдийнинг терминологик базани фақат умумий араб филологияси доирасида чеклаб қўйгани илмий ҳақиқатнинг тўлиқ очилишига ва Форобий ғояларининг Мовароуннаҳр интеллектуал муҳитидаги эволюциясини англашга тўсқинлик қилади. Шу сабабли мазкур терминларни маҳаллий илмий контекстда қайта талқин қилиш долзарб аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Абу Наср Форобийнинг “Китоб ал-ҳуруф” асари ягона қўлёзмаси устида олиб борилган тадқиқотлар муаллиф фалсафий тизимининг маҳаллий интеллектуал муҳитдаги ўрнини қайта баҳолашга имкон беради. Реконструкция қилинган матн нафақат луғатшуносликни бойитади, балки рақамли гуманитар фанлар соҳасида, яъни digital humanities йўналишида янги уфқларни очади. Шикастланган матнларни тиклаш учун ишлаб чиқилган алгоритмлар асосида яратилган интеллектуал дешифрация тизими учун ЭҲМ дастури сифатида давлат патентини, яъни DGU олиш тадқиқотнинг муҳим стратегик натижасидир.

Якуний хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, Форобий меросини айнан Мовароуннаҳр контекстида ва маҳаллий мадраса таълими анъаналари асосида ўрганиш маънавий ва илмий заруратдир. Бу ёндашув мутафаккирнинг илмий хазинасини замонавий технологиялар ёрдамида дунё миқёсида мукаммал тарзда тақдим этишга ҳамда Марказий Осиё илмий мактабларининг жаҳон илм-фанидаги нуфузини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР

1. Абу Наср Форобий. Китоб ал-ҳуруф. Теҳрон университети марказий кутубхонаси. Мишкот тўплами. MS 239 қўлёзмаси.
2. Абу Наср ал-Форобий. Китоб ал-ҳуруф. Муҳсин Маҳди таҳрири остида. Байрут. Дар ал-Машриқ. 1969.
3. Абу Наср ал-Фараби. Китаб ал-хуруф. Научное издание, введение и комментарии Мухсина Махди. – Бейрут: Дар ал-Машрик, 1969. – 262 бет.
4. Абу Наср Форобий. Китоб ал-ҳуруф асарининг ягона қўлёзма нусхаси. Теҳрон университети Марказий кутубхонаси, Мишкот қўлёзмалар тўплами, MS 239 рақамли инвентар кодекси.
5. Хайруллаев М. М. Абу Наср Форобий ва умумбашарий цивилизация. – Тошкент: Фан, 1993. – 240 бет.
6. Хайруллаев М. М. Форобий даври, ҳаёти ва дунёқараши. – Тошкент: Фан, 1966. – 348 бет.
7. Маҳдий М. Ал-Фараби ва фалсафа ал-луға ал-арабиййа яъни Форобий ва араб тили фалсафаси. – Байрут: Дар ал-Гарб ал-Ислами, 1982. – 180 бет.
8. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. Таржимонлар М. Маҳмудов, У. Уватов. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 320 бет.
9. Мадкур И. Фи-л-фалсафа ал-исламиййа: манҳаж ва татбиқ яъни Ислом фалсафасида метод ва татбиқ. – Қоҳира: Дар ал-Маариф, 1947. – 250 бет.
10. Сибавейҳ. Ал-Китаб. Таҳқиқ Абдуссалом Ҳорун. – Қоҳира: Мактаба ал-Ханжи, 1988. – Т. 1–4.
11. Ибн Жинни. Ал-Хасаис. Таҳқиқ Муҳаммад Али ан-Нажжар. – Қоҳира: Дар ал-Кутуб ал-мисриййа, 1952. – Т. 1–3.
12. Боқижонова К. Т. Араб паремиологик тизимида шарт ва инкор конструкцияларининг семантик-синтактик тадқиқи. Магистрлик диссертацияси. – Тошкент: ТДШУ, 2024. – 85 бет.

ISSN 2181-9572